



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2020 йил 8 декабрь, № 257 (7759) Сешанба

Сайтимишга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мухтарам ватандошлар!

Сизларни улуг айём — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 28 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Қадри дўстлар!

Дунё миқёсида авж олган коронавирус пандемияси туфайли бу йил Конституция кунига бағишланган тантанали маросимларни кенг миқёсда ўтказишнинг, афсуски, имкони бўлмади. Лекин шунга қарамайдан, бу байрамнинг руҳи ва шухуқи қалбларимизда, юракларимизда давом этмоқда. Бу айём юртимизнинг меҳнат жамоалари, таълим масканлари, маҳаллаларда шоду хуррамлик билан нишонланмоқда.

Конституцияимизнинг қоида ва тамойилларидан келиб чиқиб, биз бундан тўрт йил олдин Харақатлар стратегиясини қабул қилдик ҳамда кенг қўламини ва шиддатли демократик ислохотларни бошладик. Уларнинг ҳуқуқий асосини Конституцияимизга 7 марта киритилган ўзгаришлар, қабул қилинган 5 та қоғоз ва 250 га яқин қонунлар ташкил этмоқда.

Ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, одамларимизнинг дунёқарши бутунлай ўзгаргани, ҳар бир юрtdошимиз мамлакатимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётгани Бош қомусимизнинг ҳаётобахш қудрати ва улкан салоҳиятидан далолат беради.

Ана шу улкан салоҳиятга таяниб, халқимиз бугунги кунда мураккаб синовларни мардона энгиб, юртимизда эркин, обод ва фаровон ҳаёт — янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда.

“Янги Ўзбекистон” деган иборат халқро майдонда нафақат янги тушунча, балки реал ижтимоий ҳодиса сифатида қабул қилинмоқда.

Конституцияимиз яратиб берган улкан ҳуқуқий имкониятларнинг самараси бўлган бундай ютуқ ва натижалар барчамизга албатта юксак гурупу ва ифтихор бағишлайди.

Хурматли юрtdошлар! “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаиди” деган конституциявий норма асосида мамлакатимизда халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилмайдиган, Конституция ва қонун устун бўлган самарали ва барқарор тизим шаклланди.

Ана шундай конституциявий пойдеворга асосланган ушбу тизим дунё шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги мураккаб вазиятда турли таҳдид ва синовлар, жумладан, глобал пандемияга қарши курашида, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида юз берган табиий ва техноген офатларнинг оқибатларини бартараф этишда ўзини тўла оқлади.

Конституцияимиз моҳиятига чуқур сингдирилган демократия ва ижтимоий адолатга садоқат ҳамда инсонпарварлик тамойилларини таъминлаш бўйича мамлакатимизда тизимли ва ортага қайтмайдиган демократик ислохотлар амалга оширилмоқда.

Аввало, Асосий Қонунимизда кафолатланган малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва кучли ижти-

моий ҳимояни таъминлаш бўйича ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишда барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Пандемия даврида аҳоли соғлигини сақлаш, ишсиз қолган фуқароларга ёрдам беришга, тадбиркорларга биринчи даражали эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 10 триллион сўм фондга эга бўлган Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, унинг маблағлари соғлиқни сақлаш, ижтимоий инфратузилмалар, аҳоли ва корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Йил давомида 500 мингдан ортиқ тадбиркор ва 8 миллиондан зиёд фуқаро учун 34 триллион сўмга яқин имтиёзлар берилди, ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ва бандликни оширишга 2,6 триллион сўм қўшимча маблағ ажратилди.

Ўттири ижтимоий муаммо бўлиб келаятган аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш бўйича давлат дастури доирасида фақат жорий йилнинг ўзида 13 мингдан зиёд юрtdошларимизга янги уйларнинг қилини топширилди.

Шу билан бирга, Сардоба туманида офатдан зарар кўрган хонадонлар учун кўп қаватли янги уйлар, ижтимоий инфратузилма объектларини ўз ичига олган гўзал ва замонавий шаҳарча бунёд этилди.

Оғир турмуш шароитида яшаётган мингдан ортиқ хотин-қизларга уй-жой бўйича бошланғич бадаллар тўлаб берилгани ҳам ана шундай эзгу ишларимиз қаторига кирди.

Фаол гендер сиёсати доирасида хотин-қизларимизнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини мустақамлаш бўйича жадал ишлар давом эттирилмоқда.

Буларнинг барчаси пандемия ва унинг оқибатида юзага келган иқтисодий ва ижтимоий инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш имконини бермоқда ва халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Қадри юрtdошлар! Конституцияимизда ўз ифодасини топган адолат принципини амалда таъминлаш бўйича ҳам катта ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, камбағалликни қисқартириш мақсадида ижтимоий ёрдамнинг янги ва самарали механизми жорий этилмоқда.

Уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини ўрганиш натижасида 2,5 миллиондан зиёд аъзоси бўлган 590 мингдан ортиқ оилани қўллаб-қувватлаш учун 840 миллиард сўм маблағ ажратилди. Хусусан, ҳар бир хонадондаги аёллар ва ёшларнинг эҳтиёжи, ҳаётини муаммолари аниқланиб, 300 мингга яқин оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзолари иш билан таъминланди.

Энг муҳими, одамларда эркин меҳнат қилиш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик ҳисобидан камбағалликдан чиқиб тажрибаси ва кўникмаси шаклланди.

Орт бошига иш тушган оғир кунларда бизнес ҳамжамияти, тадбиркор ва фермерларимиз, меҳр-оқибатли фуқароларимиз иштирокида ташкил этилган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати инсонпарварликнинг яна бир юксак намоёни бўлди. Умумхалқ ҳаракати доирасида аҳолининг ижтимоий ёрдамага муҳтож тоифаларига 204 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди.

“Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан бошланади”, деган асосида умуммиллий таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга мисли қўрилмаган эътибор қаратилмоқда. Илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт, спорт соҳаларини биринчи даражали эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 10 триллион сўм фондга эга бўлган Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, унинг маблағлари соғлиқни сақлаш, ижтимоий инфратузилмалар, аҳоли ва корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Буларнинг барчаси юртимизда **учинчи Ренессанс** — миллий тараққиётимизнинг янги даври пойдеворини яратишга хизмат қилади.

Ҳа бир муҳим конституциявий тамойил — инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича барча соҳаларда, айниқса, суд-ҳуқуқ тизимида чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг тасдиғини кейинги тўрт йилда 2 минг 600 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилиб, 2 минг 400 нафар шахс суд залидан озод қилинган, 7 та суд босқичи 3 босқичга келтирилиб, суд тизими **“бир суд — бир инстанция”** тамойили асосида қайта ташкил этилаётганида кўриш мумкин.

Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия изчил амалга оширилмоқда.

Афв институтини қўллаш борасидаги ишларимиз изчил давом эттирилмоқда. Шу йилнинг ўзида билиб-билмай жиноятга қўл урган ва ўз қилмишидан пушаймон бўлган 300 дан ортиқ шахс афв этилиб, жазони ўташ жойларидан озод қилинди, 200 нафар маҳкумнинг жазо муддатлари қисқартирилди.

Узоқ вақт фуқароликка эга бўлмаган келган инсонлар бугунги кунда ўзларини тўлақонли Ўзбекистон фуқаролари деб ҳис этмоқда. Ўтган йигирма беш йилда 482 нафар шахсга фуқаролик берилган бўлса, бугунги кунда 50 мингдан зиёд киши шу ҳуқуққа эга бўлмоқда. Бу эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган қаҳририга муносиб жавоб бўлади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида қўчмас мулк сотиб олиш билан боғлиқ чекловлар бекор қилинган туфайли 40 мингдан ортиқ фуқаро пойтахт минтақасида сотиб олган уй-жойларини ўз номига расмийлаштириш имконига эга бўлди.

Мухтарам ватандошлар! Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган изчил сиёсат жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, шу йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган бир қатор глобал ва минтақавий ташаббуслар, аниқ амалий тақдирлар халқро миқёсда кенг қўллаб-қувватланганини таъкидлаш ўринлидир.

Октябрь ойида эса мамлакатимиз миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий органларидан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо этиб сайланди.

Бу — биз олиб бораётган очик ва фаол ташқи сиёсатнинг яна бир катта ютуғи, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳити яхшилаётгани, туризм ва экспорт салоҳияти юксалиб бораётгани, Халқро меҳнат ташкилотининг стандарт ва қоидалари ҳаётга фаол таъбиқ этилаётгани туфайли Ўзбекистоннинг халқро рейтинглардаги ўрни йил сайин юксалмоқда.

Пандемия ва глобал иқтисодий инқироз сабабли юзага келган турли тўсиқ ва муаммоларга қарамайдан, ташқи алоқаларимиз тўхтаб қолмади. Кўшни ва ҳамкор давлатлар билан сиёсий ва савдо-иқтисодий, гуманитар соҳалардаги алоқалар узлуқсиз давом этмоқда.

Хорижий мамлакатлардаги фуқароларимизнинг мажмуи муаммоларини тезкор ва ижобий ҳал этиш, уларга амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда Ватанимизга қайтариш борасида бу йил аниқ чора-тадбирлар амалга оширилгани халқимизга яхши маълум. Хусусан, пандемия даврида 500 мингдан зиёд Ўзбекистон фуқароси юртимизга олиб келинди. Чет элларда қийин аҳволга тушиб қолган 100 мингга яқин юрtdошимизга турли ёрдамлар кўрсатилди.

Елгон ваъдаларга алданиб, мамлакатимиздан чиқиб кетган ва қурол минтақасида оғир кунларни бошидан ўтказаятган фуқароларимиз, асосан, аёллар ва болаларни мамлакатимизга қайтариб олиб келиш бўйича инсонпарварлик тадбирлари давом эттирилмоқда.

Шу муносабат билан яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: **Ўзбекистон фуқаролари ҳамиша ўз давлати ва Конституцияси ҳимоясида бўлади ва биз бу тамойилни бундан буюн ҳам қатъий амалга оширамиз.**

Хурматли дўстлар! Кейинги йилларда эришган ижобий натижаларимиз биз кўзлаётган улуввор мақсадлар йўлидаги дастлабки қадамлар эканини яхши тушуначлик. Бу борада ҳали **олдимизда улкан вазифалар** турибди.

Биринчидан, Конституция ва қонунларимизни янада такомиллаштиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Жумладан, халқимиз манфаатларига, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга хизмат қилмайдиган қонунларни қабул қилиш, давр талабларига жавоб бермайдиган қонун ҳужжатларини бекор қилиб, қонунчилик базасини ихчамлаштириш, бизнес фаолиятини тартибга солиш борасидаги ортқиқа нормаларни камайтириш зарур.

Ушбу вазифаларни бажаришда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтлари янада фаол бўладилар, деб ўйлайман.

Иккинчидан, тараққиёт кушанда сиёсий партияларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчан механизми янада ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

Сўнгги икки йилда қонунчи хатти-ҳаракати билан давлатга 2 триллион сўм зарар етказган 1986 нафар мансабдор шахс коррупцияга оид жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилгани бу масала нақадар долзарб эканини кўрсатади.

Мазкур йўналишдаги ишларимизни тизимли ва комплекс давом эттириш учун **2021 — 2025 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш миллий стратегияси** устида иш олиб бормоқда.

Шу ўринда яна бир бор таъкидлаб айтмаман: бу масала биз учун ўта муҳим ва устувор вазифа бўлиб қолади. Чўнки коррупция — бу давлатимизни ич-ичидан емириб, миллий хавфсизлигимизга раҳна соладиган фоят хатарли таҳдид ва унга қарши мурокасиз кураш олиб бориш — барчамизнинг бурчимиздир.

Учинчидан, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро товулик ва динлараро бағрикенгликни мустақамлаш, жамоат тартибини сақлаш масалаларига янада кучли эътибор қаратишимиз зарур. **“Қонун — устувор, жиноятга — жазо муқаррар”** деган конституциявий тамойилни амалда таъминлаш учун ҳуқуқ-тартиб идораларининг бор куч ва имкониятлари сафарбар этилади.

Тўртинчидан, муҳтарам нуронийларимиз, хурматли хотин-қизларимиз, азиз ёшларимизнинг ҳаётини манфаатларини таъминлаш, хонадон ва маҳаллаларимизда, ягона ва аҳил оила бўлиб яшаётган кўп миллатли юртимизда тинчлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустақамлаш биз учун бундан буюн ҳам устувор вазифа бўлиб қолади.

Бешинчидан, сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устида жамоатчилик назоратини ўрнатишга қаратилган ишларимизнинг таъсирчанлигини янада оширамиз.

Бир ҳақиқат ҳаммамизга аён бўлиши керак: барча соҳаларда амалга ошираётган ислохотларимиз қатори жамиятимизда очкилик ва ошқоралик, ўзини ўзи танқид ва демократик янгилишни жараёнлари энди ҳеч қачон ортага қайтмайди ва биз бу йўлни қатъий давом эттирамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар! Халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, юртимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсонга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш — давлатимиз ва жамиятимизнинг бош вазифасидир.

Мана шундай эзгу ва шарофтли мақсад йўлида кексаю ёш барча ватандошларимиз бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилмайдиган, янги Ўзбекистон бунёдкори бўлиб майдонга чиқадилар, деб ишонаман.

Сизларни Конституция кунини байрам билан яна бир бор чин қалбимдан табриқлаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, оилавий бахт, шахсий ва ижтимоий ҳаётда катта муваффақиятлар тилайман.

Хонадонларимизни, гўзал юртимизни тинчлик-осойишталик, файзу баракка асло тарқ этамин!

Барча эзгу орау-нўнларимиз рўбига чиксин!

Яратганинг ўзи ҳаммамизни паноҳида асрасин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 28 йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида **“Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”**ги Фармони имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 104 нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 6 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 50 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 17 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 41 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш

жазосининг муддатлари қисқартирилди. Афв этилганларнинг 13 нафарини чет эл фуқаролари, 9 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 1 нафарини аёл ҳамда 21 нафарини таққиланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топшилари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ ВА ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА КЕЧИҚТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қорақалпоғистон Республикасида ирригацияни ривожлантириш ва сугорилдиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича изчил чоралар кўриб келинмоқда. Натижада кейинги уч йил ичида **47 минг гектардан ортиқ** ерларнинг сув таъминоти яхшиланди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар **11,2 минг гектарга** камайди, **140 минг гектардан ортиқ** майдоннинг мелиоратив ҳолатини барқарор сақлашга эришилди.

Шу билан биргаликда, Қорақалпоғистон Республикасида **44,9 минг гектар** сугорилдиган ерларнинг сув таъминоти паст даражада, **95,2 минг гектар** сугорилдиган майдонлар ўртача ва кучли шўрланган, мажмуи сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги эса пастлигича қолмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида сув ҳўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, сувни тежайдиган сугоритх технологияларини кенг жорий қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурслари ва электр энергиясидан фойдаланишнинг автоматлашган назоратини йўлга қўйиш ҳамда илм-фан янгилликларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш орқали сув йўқотишларини камайтириб, каналларнинг фойдали иш коэффицентини ошириш ҳамда сугорилдиган ер майдонларини сув билан ишончи таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикасида **ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш** ишларининг манзилли рўйхати 1-иловага мувофиқ;

2021 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида **маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ирригация тизимларини таъмирлаш ва тиклаш** ишларининг прогноз кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

2021 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида **сувни тежайдиган сугоритх технологияларини жорий қилишнинг** прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ;

2021 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида **сув ҳўжалиги объектларини бошқариш, сувни ҳисобга олиш ва мониторинг юртишида рақамли технологияларни жорий қилиш** прогноз кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ;


(Давоми 2-бетда).

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

КОНСТИТУЦИЯ, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Бугунги кунда Конституцияимиз ва қонунларимиз талабига кўра сўз, ахборот, эътиқод, фикр ва гоёлар эркинлиги ҳамма фуқароларга тегишли ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “фуқароларнинг фикр, сўз ва эътиқод эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш — ривожланган демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартидир”.



Видеолавахда кўринг

Хамкорлик

АҲОЛИНИ ИЖТМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояни кучайтириш бўйича кўшма дастури томонидан Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси билан хамкорликда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Шунингдек, тадбирда парламент палаталари аъзолари, Ўзбекистон но-

Парламент комиссияси

АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқро мажбуриятларга риоя этилиши бўйича Парламент комиссиясининг илк мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда депутатлар, сенаторлар, сиёсий партияларнинг қўйи палатадаги фракцияси, Ешлар масалалари ҳамда Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссиялар аъзолари, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти илмий ходимлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2021 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги тизимидаги **насос станцияларида электр энергиясида фойдаланишни ракамли технологиялар ёрдамида “онлайн” режимда назорат қилишни жорий этиш** прогноз кўрсаткичлари 6-иловага мувофиқ;

2021 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси **насос станциялари ва ирригация тизимлари каналларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида хусусий секторга бериш** прогноз кўрсаткичлари 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалиги вазири Ш.П.Хамраев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Р.Сариев ва Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ҳўкимларига мазкур қарорда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши бўйича **шахсий жавобгарлик юклансин.**

2. Мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган лойиҳалар, шунингдек, 2-иловасида белгиланган прогноз кўрсаткичлар доирасида бажариладиган лойиҳалар:

хар бир лойиҳанинг натижадорлиги ва мақсадга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда, лойиҳаларда белгиланган қурилиш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш ва тиклаш ишлари бўйича тайёрланган тегишли лойиҳа ҳужжатлари асосида амалга оширилади;

хар бир лойиҳанинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва туманлар ҳўкимликлари, Сув ҳўжалиги вазирлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томоқра ер эгалари кенгаши, сув истеъмолчилари уюшмалари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар иштирокида ҳамда мустакил экспертларни жалб этган ҳолда **муҳокама қилинади ҳамда уларнинг ижобий хулосаси асосида белгиланган тартибда амалга оширилади.**

3. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Ж.Ортиқов), Молия вазирлиги (О.З.Насриддинов), Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.П. Хамраев):

мазкур қарорнинг 1-иловасида амалга оширилиши белгиланган ирригация ва мелiorация лойиҳаларининг асосий кўрсаткичларини аниқлаштириб ва аниглаб борган ҳолда 2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш **дустурини шакллантириш жараёнида уларни инобатга олсин;**

мазкур қарорнинг 4 — 6-иловалари доирасида амалга ошириладиган тадбирлар учун 2021 — 2023 йил **Давлат**

бюджети параметрларида маблағлар кўзда тутилишини таъминласин.

4. Ҳисоб палатаси (Б.Т.Турабов) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) билан биргаликда мазкур қарорнинг 1-иловасида назарда тутилган лойиҳалар доирасидаги маблағларнинг **мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин** ҳамда хар ярим йилда Ўзбекистон Республикасининг Бош Вазири А.Н.Ариповга ахборот киритиб борисин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р.Сариев) ва туманлар ҳўкимликлари:

мазкур қарорнинг 2-иловасида белгиланган прогноз кўрсаткичларинг бажарилиши учун **талаб этиладиган маблағларни маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратиб борисин;**

мазкур қарорнинг 3-иловасида белгиланган прогноз кўрсаткичларинг бажарилишида сув истеъмолчилари уюшмалари, кластерлар ҳамда фермер ҳўжаликларига қўмақлашсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.П. Хамраев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р. Сариев) ва туманлар ҳўкимликлари:

мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган манзилли рўйхатлар, шунингдек, 2-иловасига мувофиқ тасдиқланган прогноз кўрсаткичлар доирасида объектларнинг **лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилиши, бош пудрат ташкилотларининг тендер (танлов) савдолари асосида аниқланиши ҳамда қурилиш ишларининг амалга оширилишини ташкил қилиш ва назоратга олсин;**

объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда, тендер (танлов)ларни ўтказиш жараёнида шафқофликни таъминлаш ҳисобига **объектларнинг қийматини мақбуллаштириш чораларини кўрсин;**

лойиҳаларни амалга ошириш доирасида зарур асбоб-ускуна, хом ашё, бутловчи буюмлар ҳамда сифатли қурилиш материалларининг **маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинишини таъминласин** (мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар учун);

энергия тежамкор технологияларни қўллаш ҳамда объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ишларига **маҳаллий пудрат ташкилотларини кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратсин.**

7. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги (Б.И.Закиров) мазкур қарорга асосан, ирригация ва мелiorация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мелiorация объектларини таъмирлаш ва тиклаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари давлат экспертизасидан ўтказилиши ва қурилиш объектларида қурилиш-

монтаж ишлари бажарилишида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши юзасидан давлат қурилиш назоратини амалга оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Ф.А.Холжигитов) Сув ҳўжалиги вазирлиги (В.М. Ахмаджонов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги (М.С.Содиқов) ва Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ж.У.Узаков) билан биргаликда 2021 йил 1 февралга қадар мазкур қарорнинг 7-иловасига мувофиқ хусусий секторга ўтказиладиган сув ҳўжалиги объектларининг аниқ рўйхатини тузсин ҳамда давлат-хусусий шериклик шартларини аниқлаб, шартнома намунасини ишлаб чиқсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниевга, зарур ҳолларда, тасдиқланган ирригация ва мелiorация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш ва тиклаш ишлари лойиҳаларининг манзилли рўйхатларига қўшимча ва ўзгартришлар киритиш ҳўқуқи берилсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р.Сариев) мазкур қарорда назарда тутилган ирригация ва мелiorация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мелiorация объектларини таъмирлаш ва тиклаш бўйича **уствор лойиҳаларни танлаш ва амалга оширишда:**

уствор лойиҳалар бўйича тақлифлар сув ҳўжалиги, қишлоқ ҳўжалиги, геология, ер тузиш ва лойиҳа ташкилотлари мутахассислари ҳамда мустакил экспертлар, шунингдек, манфаатдор фермер ва кластерлар иштирокида **жойига чиқиб, хар бир худуднинг сув таъминоти, ерларнинг мелiorатив ҳолати ва бошқа ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳамда мавжуд муаммоларни таҳлил қилган ҳолда** маҳаллий давлат ҳўкимияти органлари билан биргаликда шакллантирилишини;

уствор лойиҳалар **Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси депутатлари томонидан муҳокама қилиниб**, маъқуллангандан сўнг белгиланган тартибда амалга оширилишини;

хар бир лойиҳанинг амалга оширилиши ҳолати тегишли **халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан назорат қилиб борилишини** таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги “Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича кеңиктариб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4801-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган **Ирригация ва мелiorация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини илмий-техник жиҳатдан таъминлаш бўйича ишчи гуруҳи** (Ў.П.Умурзаков)га:

мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган манзилли

рўйхатда назарда тутилган лойиҳалар доирасида амалга ошириладиган ишларни илмий-техник жиҳатдан **таъминлашни ташкил этиш;**

хар бир лойиҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, **ресурс тежамкор ва ахборот технологиялари қўлланилиши бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;** сув ҳўжалиги соҳасига илм-фан ютуқларини, сувни тежовчи технологиялар ва ихроғ тажрибаларни, сув ҳўжалиги ва сувдан фойдаланиш тизимини бошқаришнинг **инновацион усулларини жорий қилиш бўйича илмий ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;**

илмий-техника ютуқларини чоп этиш ҳамда оммавий-ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш, семинарлар, республика ва халқаро миқёсдаги анжуманлар ташкил қилиш вазифаси юклатилсин.

Ушбу вазифаларни бажаришда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган тегишли олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари жалб қилиниши мумкин.

12. Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.П. Хамраев) **икки ой муддатда** Инновацион ривожланиш вазирлигига Қорақалпоғистон Республикаси табиий-иклим шароитидан келиб чиққан ҳолда суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ҳамда қулай мелiorатив режимини таъминловчи сув ва ресурс тежамкор технологияларни жорий қилишга оид илмий лойиҳалар танловини эълон қилиш учун тақлифларни киритсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р. Сариев) уч кун муддатда мазкур қарорни самарали ижро этишга доир масалаларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ҳамда халқ депутатлари туман (шаҳар)лар Кенгашларида муҳокама қилишга киритилишини таъминласин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб сув ҳўжалиги вазири Ш.П. Хамраев белгилансин.

Қарор ижросини хар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига хар ярим йил якуни бўйича ахборот бериб борилин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 5 декабрь

КОНСТИТУЦИЯ, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ



Ахборот — демократиянинг асосий валютаси

Биз ашайтган XXI аср — глобал ахборот жамияти шиддат билан шаклланиб бораётган том маънодаги ахборот асридир. Бугун ахборот жамият тараққиётининг бош омили сифатида номоён бўлмоқда. Ахборот ва билим энг муҳим миллий ва дунёвий бойликка, уларни яратиш ва тарқатишни таъминлайдиган тизимлар эса, барқарор ривожланишнинг стратегик омилларига айланмоқда.

Халқаро телекоммуникация иттифоқи маълумотларига кўра, 2019 йилда Ер шаридаги 53 фойиз одам интернетта улашиш имкониятига эга бўлиб улгурган. Бу рақам, бир томондан, энги асримиш бошидаги кўрсаткичга нисбатан 15 марта кўп бўлса, иккинчи томондан, у ахборот-коммуникация технологиялари жамият ривожига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири эканидан далолат беради.

Яъни **давлат ва жамиятнинг барқарор ривож кўп жиҳатдан фуқароларнинг фикрлар, гоёлар, маълумотлар ва билимларга бўлган эътиҳлари нечоғли қондирилишига боғлиқ.**

Фикр ва сўз эркинлиги хар қандай демократиянинг жон томирдир. Фикрлаш, сўз ва эътиҳод эркинлиги ҳамда уни ифодалаш инсоннинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири ҳисобланади.

Хусусан, инсон ҳуқуқларининг оташин тарафдорни бўлган **Вольтер “ўз фикрларини эълон қилиш эркинлиги фуқаронинг муҳим ҳуқуқи”**, деб билган. “**Бирорта ҳам гапингизга қўшилмайман, лекин уни айтиш ҳуқуқингиз учун ўлишга ҳам тайёрман**”, деган тамойил унинг ҳаёт тарзини белгилаб берган.

Машҳур америкалик ҳуқуқшунос **Ральф Нейдер** таъбири билан айтаётган эса, **“Ахборот — демократиянинг асосий валютасидир”**. Сўз эркинлигисиз демократия ҳам, инсон эркинлиги ҳам бўлмайди. Сўз эркинлиги — авваламбор, хар бир фуқаронинг шахсий ҳуқуқи, ахборот эркинлиги — бу хар бир инсоннинг табиий ҳуқуқидир.

Замонавий демократлар ахборотдан фойдаланиш, уни таҳлил қилиш ва тезорлик билан тарқатиш имконияти замонавий жамиятда инсон камолотининг асосий шарт, деб ҳисоблайдилар. Фикрлар ва гоёлар хилмаҳиллигига асосланган эркин ва очик муҳокамалар, одатда, хар қандай масаллада энг яхши ечим ва танловга олиб келади, жиддий хатолардан асрайди.

Инсон ҳуқуқларининг таъминлаши хар қандай ҳолатда ҳам мустаҳкам ҳуқуқий асосга таъминли зарур. Ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари глобал ҳуқуққа айланди. Матбуот эркинлиги уч даражада: **биринчидан**, давлат даражасида, яъни миллий қонунларда; **иккинчидан**, хар бир минтақа да-

ражасида — минтақавий ташкилотлар томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда;

учинчидан, глобал даражада — дунё миқёсда қабул қилинган **халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар** ва тан олинган универсал шартномаларда ўз аксини толган.

Миллий қонунчилик ва фикрлар хилмаҳиллиги

Ўзбекистонда сўз эркинлигини, фикрлар хилмаҳиллигини, одамлар ўз қарашларини очик-ошқора ифода этишини амалда таъминлаш учун барча шарт-шароит яратилган.

Бу, авваламбор, ривожланган миллий қонунчилик асосига таянади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатидир. Унда хар ким фикрлаш, сўз ва эътиҳод эркинлиги ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган. Хар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга.

Лекин амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустасно. Шунингдек, фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

Ушбу қоидаларни тақомиллаштириш мақсадида “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги ками 20 дан ортик қонунлар қабул қилинди.

Хусусан, сўнгги тўрт йилда республикада сўз эркинлигини таъминлаш, эркин фикр юритиш учун ҳуқуқий ҳимояни кўчайтириш, давлат идораларининг очкичилини кучайтириш, бошқарувчилик мавқеини кўтартиш, барча томоқрадаги оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ходимларини ҳимоя қилиш борасида талайгина иш қилинди ва қилинмоқда.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, ОАВнинг оммалашшига, халқ орасида хурмат қозонган ҳолда, амалда туртинчи ҳўкимият даражасига кўтарилишига олиб келмоқда. Бунга ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Сўнгги пайтларда оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда қандай янгилик пайдо бўлмаган, турли мунозарали бахслар, фикрлар, тортишувлар кўринишида ушбу ахборотга муносабатлар билдириллади. Бу ҳам фуқароларнинг фаоллашиб бораётганини кўрсатади.

Афсуски, шундай муносабатлар орасида охириги пайтда ҳақоратли сўзлар, тухматли гаплар, сўкинчишлар, обрўсизлантирувчи фикрлар кўпайиб бормоқда. Бундай ноҳолис изоҳлар эса, ўз навбатида, хар бир фуқарога салбий таъсир кўрсатиб, ёлгон маълумотлар

шаклланиши, одамларимиз орасида турли миш-мишлар пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Энг ёмони, бу каби изоҳларнинг аксарияти қандайдир бир гуруҳ “троли”лар ёки “фейк”, яъни сохта аккаунтлар томонидан уюштирилмоқда. Буларнинг ортида нима мақсад ётгани, бу гуруҳлар кимга қарашли экани, албатта, савол тўғдиради.

Демократия ва сўз эркинлиги — бу исталган нарсани қонунга хилоф равишда, ҳеч қандай маъсулиятни ҳис қилмасдан айтивериш дегани эмас. Сўз эркинлиги, аввало, демократик кадрият ва катта маъсулиятдир.

Сўз эркинлиги ва демократия ҳуқуқининг бошқа кишилар эркинликлари ва ҳуқуқларига дахл қилиш, дахл қилмаслигини ажратиб кўрсатадиган чегара қаерда?

Бир кишининг эркинлиги бошқа бировнинг эркинлиги бошланган жойда тугайди, деган фикр ҳаммамизга маълум. Бирок бу ҳуқуқнинг чегаралари борми ва бир шахсга зарар етказадиган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар учун жавобгарлик қаердан бошланади, деган савол кўпинча жавобсиз қолмоқда.

Минтақавий-ҳуқуқий асослар

Европа Комиссияси ўз ҳужжатларида, хусусан, Европа Кенгашининг Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияси, Ахборот жамиятида инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги бўйича Вазирлар Ҳайъатининг декларациясида **“интернет нафақат очик хабарларнинг ҳажми ва ранг-баранглигини оширганлигини, балки феик, яъни ёлгон хабарларнинг ҳам кенг қўламда ва мислсиз тезор тарқалишига йўл очиб бергани”**ни тан олади.

Ёлгон хабарлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига аниқ хавф тўғдиради. Оммавий тартибсизликларни келтириб чиқариб, кўпинча давлат ва жамият хавфсизлигига таҳдид солади.

Шу билан бирга, ёлгон ва ишонсиз ахборотта “иқтисодий фойда олиш ёки жамоатчиликни тўғри йўлдан қасдан адаштириш мақсадида яратиладиган, тақдим этиладиган ва тарқатиладиган ва жамоатчиликка зарар етказиши мумкин бўлган сохта ёки чалғитувчи маълумотлар” сифатида таъриф берилади.

Бу вазиятда таҳдид нафақат демократик сиёсий қарор қабул қилиш жараёнларига, балки инсон соғлиғига ёки атроф-муҳитга ҳам зарарли бўлиши мумкин.

Шунини инобатга олиб, Европа Кенгаши миллий қонунчиликда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ҳудуд фойдаланиш билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари бузилишининг янги шакллари ҳисобга олиш зарурлиги ва АКТ бундай зарарли омилларни сезиларли даражада ошириши мумкинлигига эътибор қаратган.

Интернетдан фойдаланиш: хорижий тажриба

Интернетни бошқаришда Европа Иттифоқи мамлакатлари ахборот олиш эркинлиги ва жамият хавфсизлигини ҳимоя қилиш конституциявий ҳуқуқлар ўртасидаги мувозаанатни таъминлаш тамойиллига амал қилади.

Интернетдан фойдаланиш ва ахборотни чеклаш имконияти дунёнинг жуда кўплаб мамлакатлари, шу жумладан, Европа Иттифоқи давлатлари қонунчилигида ҳам кўзда тутилган.

Мисол учун, **Франция** 2000 йилда Европа Иттифоқида биринчилардан бўлиб шахси идентификация қилинмаганларга хостинг бергани учун провайдерларга нисбатан жиноий жавобгарликни жорий қилди. Бунда маҳаллий серверларда жойлашган барча сайтларнинг муаллифлари ўзи ҳақида тўлиқ ва ишончли ахборот тақдим қилиши керак.

Акс ҳолда, қонунда олти ойгача қамоқ жазоси кўзда тутилган. Бундан ташқари, нафақат маълумотларни текширмаган провайдерларга, айни пайтда фойдаланувчиларга нисбатан ҳам жавобгарлик кўзда тутилган.

Франция Ички ишлар вазирлиги интернетдаги сайтларнинг мазмунини назорат қилади. Айрим ҳолларда полиция ходимлари суд санкциясиз провайдерлардан веб-сайтдан фойдаланишни чеклашни талаб қилиши мумкин.

Провайдерлар ҳуқуқ-тартибот органларининг талабига мувофиқ, бош бошқарма “қора рўйхати”га киритилган шубҳали сайтларни ёпиши шарт. Улар бундай қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Бундан ташқари, қонун ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органларга прокуратура органлари розилиги билан қурол-яроғ, гиёвандлик моддалари савдоси, ноқонуний пул маблағларини легаллаштириш сингари оғир жиноятларни тергов қилиш пайтида ахборот олиш учун фойдаланувчиларнинг компьютерларида улашишга рухсат беради.

Буюк Британияда ҳам бу борада муайян чекловлар ўрнатилган. Интернетда иш олиб борадиган ҳуқуқбузарларни қидириш билан юқори технологиялар соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бўйича миллий бўлим шугулланади.

Интернетдаги назоратнинг бошқа бир ҳуқуқни жамоат ташкилотлари фаолияти орқали амалга оширилади. Улардан энг таъсирчан — “Интернет-кузатув” бўлиб, у интернет тармоғида порнография ва миллий ҳамда ирқий адоват кўзгатувчи материаллар тарқалишининг олдини олиш учун масъулдир.

Халқаро ҳуқуқ ва сўз эркинлиги

Халқаро ҳуқуққа кўра, сўз эркинлиги фундаментал ҳуқуқлар сира-

сига қиради. Шунга қарамай, у мутлақ, абсолют ҳуқуқ эмас.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида қабул қилинган БМТнинг — 70 га яқин, ЮНЕСКОнинг — 60 дан ортик, Европа Кенгашининг — 160 дан эътиб, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг — 30 дан ортик халқаро конвенция, декларация ҳамда пактларида сўз ва фикр эркинлиги соҳалари ҳам халқаро-ҳуқуқий тартибга солинган.

Хусусан, **Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга кўра, агар бундай эркинлик нафрат, инсоний камситишга ундаш, қасд олиш ёки зуравонлик тарғиботи учун қўлланилса, у қонунчилик мезонлари асосида қатъий чекланиши мумкин.**

Халқаро ҳуқуқда “нафрат” сўзининг аниқ таърифи келтирилмаган. Шунга қарамай, сўз эркинлиги ва нафратнинг тарғиботи чегаралари қаерда эканлигини аниқлаштирувчи халқаро стандартлар ва ҳуқуқий асослар мавжуд.

Шуни

БОЁВУТ ТУМАНИДА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 июндаги “2020-2021 йилларда Сирдарё вилоятининг Боёвут туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган дастур доирасида Боёвут туманида бир қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши назарда тутилган.

Қарор ва ижро

Жумладан, 50 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш натижасида 2 минг 632 та янги иш ўрни яратиш, 5 та мактабгача таълим муассасаси, 4 та умумтаълим мактабини реконструкция қилиш, 2 та соғлиқни сақлаш муассасасини таъмирлаш, туман тиббиёт бирлашмасини 5 турдаги замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминлаш ҳамда 5 та маданий объектни қуриш режалаштирилган. Бу дастурни амалга ошириш учун Давлат бюджетидан жами 195 миллиард сўм маблағ сарф қилиниши кўзда тутилган.

Этиборлиси, туманда қисқа вақт ичида қарор ижроси доирасида бир қатор эзу ишлар рўйб-га чикарилди. Хусусан, аҳолининг маданий ҳордиқ олиши учун дам олиш маскани, оилавий таширф буюриладиган сайилгоҳ, хотира мажмуаси бунёд этилди. Йўл, коммунал хизмат ва бошқа инфратузилмаларни ривожлантириш, ижтимоий соҳа ва аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида янги лойиҳалар ишга туширилди.

Кунни кеча туманда бўлиб ўтган “Ўзбекистоним — шон-шухратим, Боёвутим — саодатим!” мавзусида амалий семинар доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ана шу янги объектларга таширф буюрди ва ҳудудда амалга оширилган бошқа бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди.

Хусусан, Сенат Раиси “Боёвут туманини обод марказга айлантиришимиз” мажмуасида бўлди.

Айтиш жоизки, ушбу мажмуа ташландиқ ҳолатда ётган хизмат кўрсатиш шохобчаларининг олд қисмида ташкил этилди. Бундан кўланган мақсад эса боёвутликларнинг қалбига фаровон ҳаётга бўлган интилишни кучайтириш, уларни обод турмуш қуришдек мақсад сари етаклаш ва шу йўлда фаолликка чақиришдан иборатдир.

Парламент юқори палатаси Раиси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ва “Учтурғун” маҳалла фуқаролар йиғини би-

ноларининг очилишида ҳам қатнашди.

Туманда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими яхлит тузилма сифатида фаолият олиб бориши учун барча қулайлик яратилди, жумладан, коммуникация технологиялари билан таъминланди.



Шу ўринда айтиш лозим, ҳозирги пайтда Боёвут туманида 26 та кўп қаватли уй-жой мавжуд бўлиб, шулардан 5 таси яшаш учун яроқсиз ҳолга келиб қолган. Юқорида таъкидланган қарор ижросига киришилаётганда ана шу масала ҳам этибордан қочирилмади, яъни туманда уй-жойга эҳтиёжи бўлган кам таъминланган оилалар ва яроқсиз кўп қаватли уйларда яшовчилар учун ижтимоий уйлар ташкил қилиш режалаштирилди.

Бу масалага ҳам Боёвутда ўзгача ёндашилиб, мазмунан ётоқхона, аммо кўриниши хусусий уй-жойлардан қолишмай-диган ижтимоий уй-жойларни қуришга киришилди. Шу мақсадда тумандаги мактаблардан бири

тасарруфидаги 4 қаватли ётоқхона Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги розилигида туман ҳокимлиги балансига ўтказиб берилди. Яроқсиз кўп қаватли уй-жойда яшовчи фуқароларни тез муддат ичида замонавий шарт-шароитга эга бўлган уйлар билан таъминлаш мақсадида Италия, Россия, Чехия, Беларусь ва Қозғоғистонга экспорт қилинади.

“Стелло мода” МЧЖ томони-

фабрикаси ташкил этиш белги-ланган бўлиб, ўтган даврда бу ерда катта ҳажмдаги ишлар бажарилиди. Аниқ айтиладиган бўлсак, 5 ой давомида бино қайта реконструкция қилиниб, 500 та иш ўрни ва йилга 18 минг донатрикожа маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга фабрика қуриб битказилди.

Ҳозирги кунда бу ерда 350 нафарга яқин хотин-қизлар меҳнат қилиб келмоқда. Ушбу лойиҳа 2021 йил якунига қадар тўлиқ ишга туширилади. Этиборлиси, қорхонада ишлаб чиқарилган трикотаж маҳсулотлари Италия, Россия, Чехия, Беларусь ва Қозғоғистонга экспорт қилинади.

“Стелло мода” МЧЖ томони-

мақсадида тумандаги ғўза парваришланадиган майдонлар Хукумат қарори асосида “Боёвут техно кластер” МЧЖга бириктириб берилди.

Етиштирилган пахта ҳосилини шу ернинг ўзида қайта ишлаб, тайёр маҳсулот даражасига етказиш мақсадида кластер томонидан амалий ишларга қўл урилди. Умумий қиймати 20 миллион АҚШ долларига тенг ип йигирув фабрикаси қурилиши шу йилнинг июлида бошланди. Мухими, лойиҳа амалга ошиши билан 900 та янги иш ўрни яратилди. Маҳсулотнинг катта қисми, яъни 70 фоизи экспортга йўналтирилди.

Шу лойиҳанинг иккинчи босқичида калава ипдан мато ишлаб чиқариш, учинчи босқичида матога ранг бериш ва гул босиш цехлари иш бошлайди.

Хукумат қарори ижроси доирасида туман марказидан оқиб ўтувчи Жанубий Мирзачўл канали қирғоғида замонавий кўринишдаги майдон барпо қилинганлиги ҳам таъкидлаш жоиз.

Бу лойиҳанинг барпо этиш орқали нафақат тумани ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, балки бу манзилни бахтли оила ва нури келажакимиз тиссолига айлантириш мақсад қилинган эди. Тез орада бу орзу рўйб-га чикади ва ушбу майдон сув бўйида ўзининг замонавий меъморий ечим билан сўлим сайилгоҳ ва мўъжаз зиёратгоҳга айланди.

Қолаверса, туман ҳокимлиги биносига яқин жойлашган ҳудуд қайтадан реконструкция қилиниб, унинг марказида юртимиз байроғи ўрнатилди. Бунга қадар туман марказида одамлар маданий ҳордиқ чиқарадиган ва оилавий таширф буюрадиган сайилгоҳ мавжуд эмас эди. Шундай қилиб, бу ғўша энг гавжум ва сўлим масканлардан бирига айланди.

Парламент юқори палатаси Раиси ушбу ҳудудни ҳам кўздан кечириш ва уларнинг вақтини мароки ўтказиш учун янада кўпроқ этибор қаратиш зарурлигига уру берди.

Шундан сўнг Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Сирдарё туманидаги 250 дан зиёд аёллар давлат васийлиги асосида истиқомат қиладиган “Муруват” аёллар интернатида бўлди. Имконияти чекланган аёллар билан сўхбатлашиб, уларга яратилган шароитларни кўздан кечирди ҳамда совғалар улашди.

«Халқ сўзи».

АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Иштирокчилар ижтимоий ҳимоя тизимининг кучли жиҳатларини қайд этган ҳолда, бу борада дуч келинаётган муаммоларни муҳокама қилдилар.

Сенат Раиси юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялашга устувор вазифа сифатида қаратилганлигига ҳамда бу барқарор ривожланишнинг муҳим мақсадларидан бири эканлигига уру берди. Бунда аҳолининг, айниқса, аёллар ва ёшларнинг бандлигини таъминлашга катта эътибор берилмоқда. БМТнинг Ўзбекистондаги ижтимоий ҳимоя тизимини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма дастури бу борада кўмақдош бўлиб келаётди.

Таъкидланганидек, пандемия шароитида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида белги-ланган бўлиб, барча фуқаро, айниқса, болалар, оналар, ногиронлиги бўлган шахслар, иш билан банд бўлмаганлар, қариялар, мигрантлар ва бошқалар бу ғамхўрликдан баҳраманд бўлмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов қайд этганидек, Барқарор ривожланиш глобал жамғармаса томонидан қўллаб-қувватланадиган қўшма дастур Ижтимоий ҳимоя бўйича миллий стратегияни ишлаб чиқишда, хизматларни мувофиқлаштириш ва хизмат кўрсатишнинг самарали, қонунчилик, институционал ва мониторинг механизmlарини ишлаб чиқишда ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини яхшилашда ва шу орқали Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги ютуқни янада мустаҳкамлашда, БМТнинг Болалар жамғармаса, Тараққиёт дастури ва Халқаро меҳнат ташкилоти тажрибасидан унумли фойдаланилади.

Тадбирда сўзга чиққан БМТнинг Ўзбекистондаги координатори вазифасини вақтинча бажарувчи, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Мунир Мамедзода коронавирус пандемияси аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ижтимоий ҳимоя қаровини янада кенгайтириш заруратини кўрсатганлигини айтиб ўтди. Ташкилот БМТнинг ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтириш, шунингдек, тизимни мувофиқлаштириш тақомиллаштириш ва узок муддатли стратегияни яратишга қара-

тилган саъй-ҳаракатларини оқиб қилади.

ЮНИСЕФ, ХМТ ва БМТ Тараққиёт дастури Барқарор ривожланиш мақсадлари ҳамкорлигидаги жамғармаса кўмағида ва Жаҳон банки билан биргаликда “Ҳеч кимни қолдириб кетмаслик” тамойили асосида маблағ билан ёрдам бериш, ижтимоий хизматлар, суғурта, пенсия ва иш билан таъминлаш дастурларини мувофиқлаштириш ва қамраб олиш бўйича масалаларни бартафат этишда Хукуматга кўмаклашишни давом эттиради.

Давра сўхбатида самарали ижтимоий ҳимоя тизими асосий элементлари сифатида ногиронлиги баҳолашга ижтимоий ёндашув масаласи ҳам кенг муҳокама қилинди. Бу ёндашув ногиронлиги бўлган шахслар жамият ҳаётида тўлиқ иштирок этишига, иш топишига ва мустақил яшашга тўққонлик қиладиган фовларни бартафат этишга хизмат қиладди.

Иштирокчилар Ўзбекистонда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинишини ижобий баҳоладилар. Ушбу Қонунда ногиронлиги бўлган шахсларнинг уй-жой, жумладан, имтиёзли уй-жой, таълим ва иш билан таъминланишга бўлган ҳуқуқлари кафолати мустаҳкамланган.

Ўзбекистон ногиронлар уюшмаси раиси Ойбек Исоқов камситишнинг самарали, қонунчилик, институционал ва мониторинг механизmlарини ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисида фикр билдираган экан, бу борада халқаро ҳамкорликни кучайтириш муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлади.

Қатнашчилар Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилишга қаратилган интилишларини юқори баҳолади. Бу ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада тақомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда айна муддаодир.

Тадбир доирасида БМТ дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўртасида айна соҳадаги ҳамкорликни янада кучайтириш бўйича келишувга эришилди.

«Халқ сўзи».

АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Мажлисида Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов ҳозирги вақтда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилгани, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий кўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келаётганига тўхталиб ўтди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида узок муддатли стратегиянинг қабул қилиниши ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатнинг халқаро майдондаги образини янада мустаҳкамлашига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қиладди.

Бундан ташқари, миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий стандартлар билан уйғунлаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоллигига сайланиши мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий тамойилларга содиқлигини яққол кўрсатиб берди.



Президентимизнинг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонию асосан Олий Мажлис палаталари қўшма қарори билан Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларга риоя этилиши бўйича Парламент комиссияси ташкил этилгани эътиборга молик.

Мажлисида Парламент комиссияси фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, миллий қонунчиликда инсон ҳуқуқлари халқаро стандартларини жорий этиш, шунингдек, 2021 йилда бу бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш, БМТнинг устив ва шартномавий органлари тавсияларининг бажарилишини изчил амалга ошириш шулар жумласидан.

Тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори ўринбосари Д. Муратова Ўзбекистоннинг Учинчи миллий маърузаси натижаларини бўйича БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши тавсиялари амалга оширилганлиги тўғрисидаги Оралик ҳисобот лойиҳасини тақдим этди.

лат органларининг ролини ошириш муҳокама қилинган.

Парламент комиссияси мажлисида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонаси ходими Артур Яцевич ва халқаро эксперт Ник Уолкер инсон ҳуқуқлари бўйича парламент кўмиталари ва комиссиялари фаолиятининг халқаро тажрибасини, тавсияларини кузатиш бўйича Ўзбекистонда Миллий маълумотлар базасини яратишни тақдим этди.

Иштирокчилар Универсал даврий шарҳ доирасида Оралик ҳисобот мамлакатда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятни баҳолашнинг ноёб воситаси эканлигини таъкидладилар. Келгусида ҳисобот энг кўп огулларга эришилган ва қўшма эътибор талаб этиладиган соҳаларни аниқлаш учун баҳолаш воситаси сифатида қўлланилади.

Бундан ташқари, халқаро экспертлар Парламент комиссиясини жаҳонда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги айна ҳолат ва БМТнинг устив ва шартномавий органларининг инсон ҳуқуқлари бўйича асосий тавсиялари юзасидан маълумот бердилар.

Яқунда тақдим этилган маърузалар натижалари бўйича қизғин фикр алмашилди. Комиссия фаолиятини самарали ташкил қилиш юзасидан тавсия ва тақлифлар билдирилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Сенатида

2021 ЙИЛДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒЛАРИ НИМАЛАРГА САРФЛАНАДИ?

БУНГА ОИД ҚОНУН СЕНАТОРЛАР МУҲОКАМАСИДА БЎЛДИ.

Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари ҳамда хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмиталарининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида”ги Қонунининг дастлабки тарздаги муҳожамасига бағишланган кенгайтирилган мажлислари бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, Сенат ҳузуридagi Ёшлар парламенти аъзолари иштирок этди.

2020 йилда Давлат бюджетининг таълим соҳаси харажатлари 31,2 трлн. сўм миқдорида ёки Давлат бюджетни жами харажатларининг тасдиқланган параметрларга нисбатан ўсиш 4,2 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда. Шунингдек, жорий йил якунларига кўра, ижтимоий нафақалар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ва компенсация тўловлари харажатлари учун Давлат бюджетидан 8,5 трлн. сўм маблағ сарфланиб, тасдиқланган параметрларга нисбатан 30 фоизга кўп бўлди. Жорий йилда кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 5 мингта оилага, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ипотека кредити асосида арзон уй-жой сотиб олиш учун 116 млрд. сўмдан зиёд бошланғич бадал пуллари тўлаб берилди.

Бундан ташқари, аҳоли бандлиги даражасини ошириш мақсадида аҳолининг ишсиз ва банд бўлмаган қатлами вақтинча ишларга жалб қилиш учун Жамоат ишлари жамғармасига 324 млрд. сўм, шундан Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан 200 млрд. сўм ажратилди.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш учун 2020 йилда Давлат бюджетидан 410 мингта яқин оилаларда яшовчи ногиронлиги бўлган ҳамда боқувчисини йўқотган вояга етмаган ёшдаги болаларга жами 454 млрд. сўм маблағ ажратилган.

Мажлисида 2021 йилги Давлат бюджети билан боғлиқ айрим прогност рақамлар таҳлил қилинди. Унда таълим, соғлиқни

сақлаш ва фанни янада ривожлантириш учун 55,4 трлн. сўм маблағ йўналтирилиши назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукумат қарорларида мувофиқ иқтисодий, ижтимоий соҳа, транспорт-коммуникация, техник-муҳандислик, энергетика ва бошқа тармоқларни ривожлантириш бўйича қабул қилинган Давлат дастурлари ва тадбирларни амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 2021 йилда 44,5 трлн. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Мажлисида сенаторлар пандемия даврида, аввало, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлигини таъминлаш ҳамда иқтисодийни қайта тиклаш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини эътироф этди.

Жумладан, ижтимоий нафақалар олувчи эҳтиёжманд оилалар сони 2021 йилда 1,2 млн.га оширилиши кутилмоқда. Бунинг учун бюджетдан 10,2 трлн. сўм ёки 2020 йил тасдиқланган параметрларга нисбатан 56,3 фоиз кўп маблағ ажратилиши назарда тутилган. Мазкур маблағлар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга моддий ёрдам бериш, болали оилаларга барча турдаги ижтимоий нафақаларни тўлаш, болаликдан ногиронларга нафақалар тўлаш кабиларга сарфланади.

Мажлис қатнашчилари келгуси йилда хотин-қизларга имти-

«Халқ сўзи».

«Олмалиқ КМК» АЖ

жамоаси юртдошларимизни
Ўзбекистон Конституциясининг

28 йиллиги билан самимий муборакбод этади!

Конституция ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати ҳамда мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётининг гаровидир. Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, эзгу ишларингизга ривож, оилангизга хотиржамлик тилаймиз! Мамлакатимизда ҳамиша тинчлик-осойишталик ҳукмрон бўлсин. Ватанимиз равнақи йўлидаги самарали меҳнатларингизда муваффақиятлар ёр бўлсин!



8 ДЕКАБРЬ

«Микрокредитбанк» АТБ жамоаси



мамлакатимиз аҳлини

8 декабрь

Конституциямиз қабул қилинган кун билан қизгин табриклайди.

Ҳақ-ҳуқуқларимиз, тинчлигимиз, фаровон турмушимиз кафолати ҳисобланган Конституция барчага муборак бўлсин!
Юртимиз ҳар томонлама ривожланаверсин, халқимиз омон, сиҳат-саломат бўлсин!




QUANT

Bank yo'lingizda emas, qo'lingizda bo'ladi!



8-dekabr — O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni muborak bo'lsin!



МИНТАҚАВИЙ КООРДИНАТОРЛАР ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛИНМОҚДА

Агрисаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги томонидан Жаҳон банки иштирокида "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш" лойиҳаси ижросини таъминлаш юзасидан сабъ-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Ушбу лойиҳани бажариш муддати 2020 — 2026 йиллар этиб белгиланган.

Лойиҳа самарадорлигини ошириш мақсадида унинг ижроси бўйича гуруҳ таркибида лойиҳа фаолиятини минтақавий даражада амалга оширишни таъминлаш ва мувофиқлаштириш учун Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё, Фарғона ва Наманган вилоятларида минтақавий координаторлар танлов асосида ишга қабул қилинади.

Танловда иштирок этадиганларга қўйиладиган талаблар:

- қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти/молия ва бизнесни бошқариш ёки шунга ўхшаш таълим соҳасида олий маълумотга эга бўлиши;
- қишлоқ хўжалигини молиялаштириш дастурларини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича камида 5 йиллик иш тажрибаси бўлиши (давлат ташкилотлари, вилоят ҳамда турман ҳокимликлари, халқаро агентликлар билан ишлаш бўйича иш тажрибаларига эга-лиги афзаллик ҳисобланади);
- давлат ва бизнес бошқаруви соҳасида ёки инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ тажрибага эга бўлиши;
- Ўзбек ва рус тилларини билиши талаб этилади (инглиз тилини яхши билиши афзаллик ҳисобланади).

Ушбу лавозимларга талабгор шахслар танловда қатнашишлари ёки қўшимча маълумот олишлари учун 2020 йилнинг 21 декабрга қадар душанбадан жумагача соат 9.00 дан 18.00 гача куйидаги манзилга ўзлари тўғрисидаги маълумотларни олиб келишлари ёки электрон манзилга юборишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 1-«А» уй, Агрисаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги.
Телефон: 71-241-33-30. E-mail: amcrp@rra.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 29 978 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўғамлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг отказиб берилиши учун буянни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6